

СИФАТЛИ ВА САРА УРУҒЛИК ДОН ЕТИШТИРИШДА, УРУҒШУНОСЛИКНИНГ АХАМИЯТИ

Солижонов Шахбоз Зафаржон ўғли
Усмонов Тохиржон Зокиржон ўғли
Захириддинов Илёсжон Илхомжон ўғли
Шомансуров Шокарим Шобахром ўғли

Наманган давлат университети биотехнология
кафедраси ўқитувчилари

Аннотация: Мақолада сифатли ва сара уруғлик дон етиштиришда ташқи муҳит факторларининг ҳамда қўлланиладиган агротехник тадбирларнинг уруғ сифатига таъсири келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Уруғлик, дон, сифат, 1000 дона дон вазни, уруғшунослик, ҳосилдорлик.

Аннотация: В статье приведены данные влияния внешних факторов и агротехнические мероприятия при производстве на качество семенного материала.

Ключевые слова: Семена, зерно, качество, масса 1000 зерен, семеноведение, урожайность.

Annotation: In the article, quality and selection of seeds is external in the cultivation of grain the effect of environmental factors and applied agrotechnical measures on seed quality was brought out.

Key words: Seed, grain, quality, 1000 grain weight, seed science, productivity

Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини кўтаришда биринчи навбатда экиладиган уруғлик сифатига эътибор берилади. Фан ютуқлари ва ишлаб чиқариш илғорларининг тажрибаларидан маълумки, замонавий, тўғри ташкил қилинган уруғчилик экинлар ҳосилдорлигини 25-30 фоизга оширади. Шу билан бирга экинларнинг ҳосилдорлиги қўлланиладиган технология савиясига, ҳамда навларни тўғри танлашга боғлиқдир. Сифатли уруғ экиш ҳисобига етиштириладиган қўшимча ҳосил ҳеч қандай харажатларсиз олинади ва катта иқтисодий самара беради. Қишлоқ хўжалигида уруғшуносликни ўрганишнинг асосий мақсади маданий ўсимликлардан сифатли уруғ етиштириш учун ҳар хил факторларни уруғлик сифатига тасирини ўрганади. Уруғшунослик-уруғнинг биологияси, физиологияси ва уруғ етиштиришда ташқи муҳит омилларини таъсири, уруғ морфологияси ва анатомияси ҳамда уруғнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш усулларида иборат. Уруғшунослик фани ўтган асрнинг 70-йилларидан шакллана бошлади ва асосий фан сифатида ҳар хил факторларни уруғлик сифатига таъсини ўрганишга қаратилди. Ҳар қандай организмни ташқи муҳит билан боғлиқлиги уни ҳосил бўлиш жараёнидан

бошланади. Уруғнинг онтогенез ривожланиши ўсимлик зародишини ўйғонишидан бошланади. Оналик ўсимликда уруғ шаклланиш ва етилиб бориш жараёнида ўсимлик етиштириладиган ташқи мухит тасирида бўлади. Ташқи мухит факторлари ўсимлик учун қулай шароитда бўлса, етиштириладиган уруғ сифати юқори бўлади ва аксинча ташқи мухит факторлари ўсимликка салбий таъсир кўрсатса етиштириладиган уруғ сифати паст бўлади. Уруғ ва унинг сифати хар бир экин туридан юқори ҳосил олишни таминлайдиган асосий фактор ҳисобланади. Ҳосилдорлик ва уруғ сифати кўп жихатдан уни етиштириш технологиясига боғлиқ. Юқори агротехникани қуллаш хар бир экин туридан юқори ҳосил етиштириш билан бир қаторда сифатли уруғ етиштиришни таъминлайди. Шу билан бир қаторда озуқа моддалари билан максимал даражада ўсимликларни таъминлаш ҳамма вақт ҳам юқори ҳосил ва сифатли уруғ етиштирилишини таъминламайди. Юқори сифатга эга уруғ етиштириш учун бериладиган озиқ моддаларнинг керакли нисбатда берилиши муҳим аҳамиятга эга. Азотли ўғитларни керакли миқдордан кам берилиши ўсимликларни ўсиш ва ривожланишини орқада қолдириб, донни пуч бўлишига олиб келса, меъёр даражадан юқори миқдорда берилиши эса ўсимликлар бўйининг баланд бўлиб кетиши оқибатида ётиб қолишга олиб келади ва натижада донлар пуч бўлиб, уруғ чиқиш миқдори камаяди. Фосфорли ўғитлар ўсимликлар репродуктив органларини шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади уни етишмаслиги эса донни майда бўлиб қолишига олиб келади.

Шунингдек калийли ўғитлар ҳам пишиш муддатини тезлаштиришга, доннинг йирик бўлишига ҳамда ташқи мухит таъсирларига чидамликни оширади. Озиқланиш элементларидан ташқари уруғли дон сифат кўрсаткичларига хар бир ўсимликнинг озиқланиш майдонига эга бўлиши ёки хар бир гектар майдонга оптимал миқдордаги ўсимликлар бўлиши билан изоҳланади. Ўсимликлар сонининг кам бўлиши, туплаш даражасининг юқори бўлишига ва натижада бошоқларнинг эрта ёки кеч ҳосил бўлиши эвазига етиштириладиган уруғнинг бир хиллиги (выровненность) юқолади. Аксинча туп сон қалинлиги юқори бўлса, минг дона уруғ вазни кичик бўлади. Кўпчилик олимларнинг олиб борган тажриба натижаларига кўра битта ўсимликнинг ёки донли экинларда битта бошоқнинг ўзида ҳам чангланиш ва уруғланиш бир вақтда бўлмаганлиги сабабли уруғлар турли сифат кўрсаткичларига эга бўлади. Масалан буғдой, жавдар, тритекалада чангланиш ва уруғланиш бошоқнинг ўрта қисмидан бошланади ва охирида юқори ва пастки қисмида амалга ошади. Сули, шоли ва тарикда рувакнингг учки қисмидан бошланиб, энг охирида пастки қасмидаги бошоқчалар чангланиб уруғланади.

Шунингдек уруғлик дон сифатига ўсимликларнинг хар хил турдаги хашоратлар билан зарарланиши салбий таъсир кўрсатади. Масалан уруғлик дон етиштириладиган майдондаги ўсимликлар зарарли хасва ёки шира ва трипс билан зарарланса уруғнинг униб чиқиш даражаси пасайиб кетади.

Шунингдек агротехника ҳам бошқа ҳар қандай ноқулай ташқи шароит каби фақат уруғларнинг экиш сифатларини шаклланиши учун ноқулай шароит вужудга келтиради, холос. У ҳеч қачон нав ирсиятининг ёмонлашувига сабаб бўла олмайди. Фақат паст агротехникада парвариш қилинган экинлардан олинган уруғлар экилганда мазкур навнинг ирсий сифатлари тўлиқ рўёбга чиқа олмайди ва кам ҳосил олинади. Бунинг сабаби шундаки, ҳар бир нав ўзининг ирсий имкониятларини унинг юқори сифатли уруғларидан фойдалангандагина тўлиқ намоён эта олади. Шунинг учун ҳамма навларни барча уруғчилик кўчатзорларида ва уруғлик пайкалларида ҳамма вақт юқори сифатли уруғ шаклланишини таъминлайдиган шароитларда парвариш қилиш лозим.

Наманган давлат университетининг дала тажриба майдонида кузги юмшоқ буғдойнинг Яксарт ва Ғозғон навлари бўйича лаборатория шароитида олиб борилган тажриба натижаларига кўра минг дон дон вазнининг йирик бўлиши уруғларнинг унувчанлик кўрсаткичининг 3-4 фоизга, униб чиқиш фазасида колеоптилия ва илдиз узунлигининг 1,7 ва 0,8 см.га юқори бўлиши кўрсатиб ўтилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдукаримов Д.Т. Донли экинлар селекцияси ва уруғчилиги Тошкент - 2010й
2. Узақов Й.Ф., Қурбанов Ғ.Қ. Уруғчилик ва уруғшунослик. Ташкент-1992 й
3. Тилолов Ў.Х., Жуманова Б. Кузги буғдой навлари бошоқларида донларнинг жойлашувини унувчанлик, минг дон дон вазни, колеоптилия ва илдиз узунлигига боғлиқлиги. “Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси” илмий журнали 142-143 бетлар